



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 28 май, № 106 (6289) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 май куни давлат таширифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг кенг қўламли масалалари, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни изчил ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Президентимиз Корея Республикаси ҳукумати ва парламенти, етакчи иқтисодий ва молия тизимлари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Таширифи якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ, 27 май. Ў.А. махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 май куни давлат таширифи билан Корея Республикасига келди.

Жанубий Корея протоколига мувофиқ Ўзбекистон Президенти шарафига Сеул аэропортида икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Сеул кўчалари Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг давлат байроқлари, олий мартабали меҳмонни кутловчи шир ва баннерлар билан безатилган.

Ушбу таширифи Ўзбекистон — Жанубий Кореянинг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари доирасида ўтказилди. Улар давлатларимизнинг ўзаро алоқаларига доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат таширифининг асосий тадбирларини, жумладан, Корея Республикаси Президенти ва бошқа раҳбарлари билан расмий музокаралар, етакчи компаниялар раҳбарлари иштирокидаги учрашувларни 28-29 май кунлари ўтказиш мўлжалланган.

Авал хабар қилинганидек, таширифи чоғида икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши ва ўзаро муносабатларни 2014 йилда имзоланган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Ў.А.

Ли Ук Хён:

## «Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг намунасидир»

2015 йил 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат таширифи бошланди.

Ушбу таширифи арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён билан суҳбатлади.

— Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий муносабатлари аъёнаний равишда халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш асосида ривожланиб бораётган, — деди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён. — Глобал ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан томонларнинг нуқта назарлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки бир-бирига яқиндир. Мамлакатларимиз БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида

яқин ҳамкорлик қилмоқда. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олгани стратегик шерикликнинг изчил тараққиётига кўмаклашаётди. Парламентлараро алоқалар ҳам кенгайиб бормоқда, ҳукумат делегацияларининг ўзаро таширифлари фаоллашаётди. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувлар мунтазам ўтказилмоқда. «Корея Республикаси — Марказий Осиё» ҳамкорлик Форуми самарали иш юритаётди.

(Давоми 2-бетда).

## Қишлоқ хўжалигига — замонавий минитехнологиялар

27 май куни «Ўзэкспомарказ» мажмуида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominotech Expo — 2015» Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг «Uzbekistan Agrotechmasp Expo — 2015» IV Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси ташкил этилди.



Тадбирларнинг очилиш маросимида айтиб ўтилганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли мазкур соҳа барқарор юксалиб, аҳолининг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиҳи тўлиқ таъминланиши баробари-

да, sanoat корхоналарига сифатли хом ашё етказиб берилмоқда. Жорий йилнинг I чорагида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,3 фоиз ўсгани бунинг яққол далилидир. Қувонарлиси, бугунги кунда республикамиз деҳқон ва фермерлари мо-

ашё етиштириш билангина чекланиб қолаётганлари йўқ. Аксинча, улар хорижий замонавий минитехнологияларини жалб қилган ҳолда, мева-сабзавот, гўшт-сутни қайта ишлашни йўлга қўйиб, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирishга муносиб ҳисса қўшаётган.

Ўзбекистон Фермерлари кенгашидан маълум қилишларича, айни пайтда республикамизда мавжуд фермер хўжалиқларининг 38 мингтаси кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирилган бўлиб, уларнинг 563 таси қошида замонавий қайта ишлаш корхоналари ташкил этилиб, 9,8 мингдан ортиқда сервис хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, кейинги йилларда қишлоқ мулкдорлари 8511 гектар ерда аъёнаний усулда, 6094 гектар майдонда интенсив боғ, 9574 гектар пайкалда тоқорлар яратиш билан бирга, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларчилик тармоқларига ҳам қўл уришди.

(Давоми 3-бетда).

## Парламент ҳаёти

Маълумки, яқинда қўйи палатанинг мажлисида мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Хусусан, депутатлар янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.



## Божхона ишининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда

Таъкидлаш лозимки, мамлакат иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида ислохотларни янада либераллаштириш ҳамда чуқурлаштириш йўналишидаги вазифаларни изчил амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш соҳасини либераллаштиришда сўнгги йилларда муҳим таркибий ўзгаришлар ҳаётга татбиқ этилди. Соҳани модернизациялаш, диверсификация қилиш ва демократлаштириш йўлидаги чоратадбирлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Қонунчилик палатаси муҳокамага киритилган янги тахрирдаги Божхона кодекси ана шу сый-ҳаракатларнинг мантиқий даво-

ми бўлиб, божхона ишида халқаро стандартларга мос келувчи ягона қонунчилик базасини шакллантириш, божхона бошқарувининг барча даражасида ҳуқуқий норма ҳамда муносабатларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг тартибга солинишида комплекс ёндашув ва шаффофликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Божхона кодекси лойиҳаси даставвал масъул қўмиталарда ҳамда сиёсий партиялар фракцияларида депутатлар, Давлат божхона қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар мутаассидилари ҳамда экспертлар иштирокида кенг муҳокама қилинди. Мазкур

йиғилишларда депутатлар сўнгги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, жаҳон амалиётида мавжуд бизнес юритиш шароитларини баҳолаш мезонлари тизимини татбиқ қилиш ва шу асосда республика иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини изчил таъминлаб бориш бўйича кенг миқёсли чоралар кўрилаётгани эътироф этилди.

Қизгин муҳокамалар жараёнида сиёсий партиялар фракциялари аъзолари лойиҳанинг бугунги кундаги долзарб аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини билдириб ўтдилар.

— Кодекс лойиҳасининг муҳокамасига бизнинг фракция депутатлари электоратимиз вакиллари, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар манфаатларини кўзлаган ҳолда ёндашдилар, — дейди тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси У. Бўтаев. — Бизнинг фикримизча, янги тахрирдаги Божхона кодексининг амалга киритилиши бизнесни ривожлантириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратди.

(Давоми 2-бетда).

## Қонун ҳужжатлари тарғиботи

жойларда ўтказилаётган учрашувларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этаяпти

Мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётганини билиш, бунинг учун эса жойларда турли тадбир, учрашув, мулоқотлар ўтказиш, ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботини олиб бориш, ижросини назорат-таҳлил этиш, шу орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини янада яхшилашга эътибор қаратиш айни заруратдир.

Бинобарин, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида парламент палаталарининг қонунчилик фаолиятини тартибга солиш билан ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларни ижрочиларга етказиш ва шуниингдек, ҳуқуқни қўллаш ҳамда амалга ошириш

самарадорлигини, албатта, ўрганиши ва шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари дастурларига зудлик билан тузатишлар киритишни кўзда тутишдан меъёрий-ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш — бугунги кунда долзарб вазифага

айланиши кераклиги алоҳида белгиланган.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик институтлари вакиллари иштирокида ўтказилаётган учрашувларда юқорида қайд этилган муҳим масалалар ўз ифодасини топишмоқда.

Чунинчи, Жиззах вилоятида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти, давлатимиз раҳбари томонидан қабул

қилинган Фармон ва қарорлар аҳамияти хусусида батафсил маълумотлар берилди.

— Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар, хусусан, куни кеча Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда эълон қилинган янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти ниҳоятда катта, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси А. Шаматов. — Мазкур ҳуқуқий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий дастурининг энг муҳим

устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида белгилаб берилган вазифалар доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, у электрон тижоратни ривожлантириш учун янги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва техник шароитларни яратиш беради. Сенаторлар жойларда ўтказилаётган тадбирларда ушбу Қонун билан боғлиқ жуда кўплаб саволларга жавоб беришаётди. Ўз навбатида, фуқаролар ва тадбиркорлар Қонунга биноан электрон тижорат соҳасига жорий қилинган бир қатор янгилликлардан хабардор бўлишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО КўРГАЗМАЛАР



## Тўқимачилар ва дизайнерлар салоҳиятининг намоиши

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Тўқимачилик саноати — Textile Expo Uzbekistan — 2015» Халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси ҳамда «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барча соҳаси қаторида энгил саноат тизимида ҳам эътиборга молик ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, тармоқда кўплаб янги корхоналар ишга туширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани ички бозоримизни рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish имконини берапти. Қувонарлиси, бу борадаги ишлар келгусида ҳам жадал давом эттирилади. Яъни Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгариштириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони асосида ушбу давр ичида республика-миз тўқимачилик саноатида умумий қиймати 918 миллион АҚШ долларлиқ 77 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирил-

ган. Бу — тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари икки баробар ортади, дегани. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, ҳозирги кунда унинг тасарруфида 310 та корхона бўлса, шундан 156 таси Жанубий Корея, Хиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония каби мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлардир. Уларда таъбирланган маҳсулотлар эса Ҳамдўстлик давлатларидан ташқари, Европа, Жанубий Америка ва Африка қитъасидаги буортмачиларга ҳам етказиб берилмоқда. Аниқроғи, тизим корхоналари маҳсулотларининг 80 фоизи экспортга йўналтирилаётди.

Шунингдек, компанияда жорий йил охиригача қиймати 231,7 миллион долларлик 33 та инвестицион лойиҳани рўйга чиқариш орқали 2,8 мингта иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Умуман олганда, депутатларимиз лойиҳани концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар ҳамда иккинчи ўқишда қабул қилинган...

— Товар айланмасини тартибга солиш, ташқи савдонни ривожлантириш ва ички бозорни сифатсиз ҳамда контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялаш партия...

шиб, ишчи гуруҳига уни янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар киритишни белгилаб олдик.

— Божхона кодексининг янги таҳрири муҳокамасида фракциянинг қатъий позицияси шакллантирилди. Чунончи, лойиҳа...

# Божхона ишининг ҳуқуқий асослари янада мустақкамланмоқда

амалдаги Кодексдан тубдан фарқ қилади ва концептуал жиҳатдан божхона тизими фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга ҳуқуқий имкон яратди, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси С. Арзикюлов**.

кучайтириш масалаларини акс эттириш белгилаб олинди. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида, албатта, масъул кўмитага ўзимизнинг таклифларимизни тақдим этамиз.

— Қонуности ҳужжатларини сони ҳамда доирасини қисқарти-

## Парламент ҳаёти

қондаларнинг талқин қилиниши ҳамда қўлланилишида бир хилликни таъминлашга эътибор қаратдилар. Шунингдек, унинг

депутатлар томонидан лойиҳани янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар ҳамда аниқ таклифлар билдирилди. Бу, албатта, кўмига ҳузурда тўзилган биз, яъни депутатлар, Давлат божхона кўмитаси мутасаддилари ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳи аъзолари учун лойиҳани кейинги ўқишга тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида айтганда, янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасининг қабул қилиниши божхона фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизимини мустақкамлаш, мамлакат иқтисодий сарҳадларини ишончли муҳофаза этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Ахборот хизмати.**



## Тўқимачилар ва дизайнерлар салоҳиятининг намоёйиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Кўрғазмада кўп йиллардан буюн иштирок этаёلمиз, — дейди Бухоро вилоятидаги “Шаҳбоз-Шаҳром” хусусий корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева.

— Ўзбекистонда уч йилдан буюн фаолият юритаёلمиз, — дейди Хитойнинг “Shi Kun Ssk” компанияси вакили Су Шикун. — Утган вақт мобайнида шунга амин бўлдикки, юртингиз иқтисодиёти, шу жумладан, тўқимачилик саноати жадал ривожланыпти. Буни мазкур соҳа учун мўлжалланган илҳам ускуналаримизга талаб тобора ортиб бораётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Халқаро кўрғазма асосида “Байер” дастури амалга оширилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Унинг афзаллиги шундаки, савдо ходимлари шу ернинг ўзида ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри музокара олиб бориш ва келишувга эришиш имкониятига эга бўладилар.

Шу билан бирга, бу йилги кўрғазма доирасида “Мода ва дизайн — 2015” халқаро фестивали ҳам ўтказилапти. Унда юртимиз дизайнерларидан ташқари, Италия, Франция, Германия, Корея Республикаси, Япония, Сингапур каби давлатлар мутахассислари ўзларининг ижод маҳсуллари билан қатнашмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Қонун ҳужжатлари тарғиботи

жойларда ўтказилаётган учрашувларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этаёпти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мамлакатимизда биз, тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишини учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилган, — дейди Галлаорол туманидаги “Сарафроз плюс” хусусий корхонаси раҳбари Г. Муродова. — Айниқса, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш — доимий эътиборда. Сенаторлар билан бўлиб ўтган учрашувларда янги таҳрирдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдик. Қонун нормаларининг фаолиятимиздаги аҳамияти ҳақида яна бир қарра мушоҳада қилдик. Айтиш жоизки, мазкур ҳуқуқий ҳужжат кичик бизнес вакилларининг ички ва ташқи бозорда янада кучли рақобатдош бўлишида долзарб аҳамият касб этади. Шубҳасиз, ушбу Қонундаги афзалликлар тадбиркорларнинг ишни жадал давом эттиришида, бююртмачилар билан ўзаро муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Самарқанд вилоятида ўтказилган учрашувларда Сенатда маъқулланган қонунлар билан бирга, Президентимизнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳияти аҳоли, хусусан, кичик бизнес вакиллари ва ёш тад-

биркорлар ҳамда ишбилармон хотин-қизларга етказилди.

— Юртимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳасини изчил ислоҳ қилиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, иқтисодий эркинлаштириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш олиб борилаётганда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Н. Раббимова. — Бу борада қабул қилинаётган қонунлар, Президентимиз Фармон ва қарорларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, уларни кенг тарғиб қилиш аниқ заруратдир. Зеро, аҳоли ушбу ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамиятини ўз ҳаётида кўриб, ҳис қилиб турибди. Сайловчиларнинг фикрича, Президентимизнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони юртимизда тадбиркорлик ва хусусий мулкни иқтисодийнинг ҳал қилувчи омилга айлантиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Учрашувларда қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, бу борада парламент ва жамоатчилик назоратини қучайтиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда. Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилаёпти.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш учун барча ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шарт-шароит яратилган. Пировардида бугунги кунда ННТ соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси, бандликни таъминлаш ҳамда аҳолининг кўмак муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш йўналишларидаги долзарб муаммолар ечимига қаратилган дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этаёпти.

## Фуқаролик жамияти институтлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ана шулар хусусида батафсил сўз юритилди.

Таъкидланганидек, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуннинг жорий йил 1 январдан бошлаб кучга кириши муносабати билан Парламент комиссияси томонидан ушбу ҳуқуқий ҳужжат нормаларини амалиётга жорий этиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Иштирокчилар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузурдаги ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари регламенти муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Бугун Жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланган нодавлат нотижорат

ташкilotларининг кўплаб лойиҳалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик, шартномалар ҳамда меморандумлар ва ҳамкорликдаги режалар асосида рўёбга чиқарилаётган. Утган йилда Фонд томонидан давлат грантлари, ижтимоий бююртмалар ва субсидиялар шаклида 267 та лойиҳа, жами 8,2 миллиард сўмлик маблаг билан молиялаштирилгани бунга бир мисолдир. Хусусан, 67 та муҳим йўналишни қамраб олган 5 та грант танловга ўтказилди.

Комиссия аъзолари бу йил жабжа ривожига қаратилган маблаг ҳажми сезиларли ўсганини таъкидлашди. Давлат бюджетидан ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 10 миллиард сўм ажратилган. Айни пайтга келиб Жамоат фонди томонидан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган ва зифаларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини рағбатлантириш, шунинг-

**Санджон МАХСУМОВ.**

# Ли Ук Хён: «Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг намунаси»



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу тариқа мамлакатларимизнинг турли доираларда, энг аввало, давлат раҳбарлари даражасида олиб бораётган доимий мулоқоти икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ҳамда мустақкамлашга хизмат қилаёпти.

— **Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги етакчи савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири ҳисобланади. Сиз Ўзбекистон ҳамда Жанубий Кореянинг бу соҳалардаги ҳамкорлиги истиқболларини қандай баҳолайсиз?**

— Бугунги кунда мамлакатларимиз муваффақиятли иқтисодий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплаган. Жанубий Кореянинг кўпгина компаниялари хорижий сармоядорлар учун қўлай имкониятлар яратилган. Ўзбекистонда фаол иш олиб бормоқда. Жумладан, Сурғил қони негизда барпо этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси кўлами жиҳатидан гоят

йирик лойиҳа сифатида халқаро миқёсда ўз эътирофини топган. Мазкур лойиҳа жорий йилда ниҳоясига етиши лозим.

Автомобилсозлик — ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. “ЖиЭм” автомобиллар ишлаб чиқариш заводида Жанубий Кореянинг қатор компаниялари эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

Молия, муқобил энергия ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги алоқалар ҳам изчил ривожланыпти. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорликдаги самарали ишларни алоҳида айтиб ўтиш лозим. Маълумки, хозирги пайтда Ўзбекистонда “электрон ҳуқумат” тизими жорий қилинмоқда ҳамда бу жараёнда тажриба ва мутахассислар алмашуви воситасида Жанубий Корея фаол қатнашаёпти.

Шунингдек, Ўзбекистонда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамда Корея ЭКсимбанки билан биргаликда йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Уларнинг мамлакатингиздаги фаолияти соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишларни қамраб олган.

Биз Жанубий Корея компанияларининг республикадаги фаолиятига доимий равишда кўмак кўрсатаётгани учун Ўзбек шерикларимиздан миннатдоримиз. Ўз томонимиздан эса, таъкидлаш ўринлики, бизнинг бизнес субъектларимиз Ўзбекистон билан ҳамкорлик ҳамда унинг иқтисодийётига сармоя киритиш борасида бундан кейин ҳам фаол иш олиб боради.

— **Жанубий Корея юқори технологиялар соҳасида дунёда олдинган етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш учун яратилган имкониятлар юзасидан ўз қарашларингизни ўртоқлашсангиз.**

— Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда барпо қилинган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналарида юқори технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун салмоқли имтиёз ҳамда қўлайликлар яратилган.

Яқинда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида бўлиб, Жанубий Корея компаниялари томонидан юқори технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирдим. Улар нафақат Ўзбекистонда, балки “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остида ташқи бозорларда ҳам муваффақиятли сотилмоқда.

Шуниси муҳими, юртимиз компанияларининг Ўзбекистондаги илгор тажрибаси Жанубий Кореядан яна қўллаб-қувватлашнинг жалб этишга қўмақлашмоқда.

“Самсунг Электроникс” ва “ЭлЖи” сингари йирик компаниялар республикага турли-туман маҳсулотларни етказиб бериш билан бир қаторда, қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳам фаол иш юритмоқда. Масалан, “Самсунг Электроникс” компанияси Ўзбекистоннинг “Artel” компанияси билан биргаликда аллақачон машиини техника воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бизнинг олдимизда ана шундай ўзаро

манфаатли қўшма лойиҳалар сонини кўпайтириш вазифаси турибди.

— **Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболларини қандай баҳолайсиз?**

— Жўрофий жиҳатдан узоқ масофада жойлашган бўлишига қарамай, ўз мамлакатига садоқат, аждодлар мероси ҳамда кадрларини қадрлаш ва уларни авайлаб асрашга интилиш, очикўнгиллик ҳамда меҳрмуруват, меҳнатқашлик ва фидоқорлик, кексаларга ҳурмат, ёшларга ғамхўрлик сингари сифатлар халқларимизга бирдек ҳосидир. Бундай маънавий яқинлик мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

Фестиваллар, кўрғазма ва концертлар ҳамда турли маданий тадбирлар мунтазам ташкил қилинаёпти. Жанубий Корея муסיқчилари ва ижрочилари “Шарқ тароналари” халқаро муסיқа фестивалида доимо фаол қатнашиб келади. Жорий йилда ҳам маҳобатли Регистон майдонидида биз уларни яна кўришдан умидворимиз. Яқинда Тошкентнинг хушманзага бурчагида ташкил этилган Сеул боғи пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонларининг ажойиб дам олиш масканига ва кўҳна Корея маданияти тажассуми рамзига айланди. Ҳозирги пайтда Корея маданияти ҳамда санъати уйини барпо қилиш юзасидан иш олиб борилаётган. Шуни қайд этиш жоизки, бу МДҲ ҳудудидаги ил лойиҳадир.

Таълим соҳасидаги алоқалар ҳақида гапирар эканмиз, 2014 йилнинг октябрида Ўзбекистонда Инха университетининг филиали очилгани-

ни ёдга олмаслик мумкин эмас. Бу Инха университетининг дастлабки хорижий филиалидир. Мазкур олий ўқув юрти бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро стандартлар даражасида таълим олган юқори малакали мутахассислар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

— **Ўзбекистонда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари, шу жумладан, корейлар диаспораси истиқомат қилади...**

— Ўзбекистоннинг корей миллилатига мансуб аҳолиси сони қарийб 200 минг нафардан иборат. Улар салкам 80 йилдан бери ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Бир пайтлар тақдир тақозоси билан юртингизга келган ўн минглаб корейларга бошпана берган, бир бурда нонини баҳам қўрган ҳамда улардан меҳрини аяманган Ўзбекистон халқининг олижаноблиги, меҳрибонлиги ва самимиятини биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Ўзбекистонда турли миллат ҳамда элатлар вакиллари ўртасида аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳити ҳукм сураётгани республикада бу борада ҳам оқилона сиёсат олиб борилаётганининг мантиқий натижаси ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг янги таркибидан корей миллилати вакиллари ҳам ўрин олганини қайд этиш, айниқса, қувончлидир. Корейлар Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганидан биз ҳаммиса фахрланамиз.

— **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов**

**нинг Корея Республикасида 27 май кунини бошланган давлат таърифининг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?**

— Ҳозирги пайтда Жанубий Корея “Еуроосиё ташаббуси” лойиҳасини илгари сурмоқда. Мазкур лойиҳа Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришни кўзда тутади. Унинг муваффақиятли амалга оширилишида Ўзбекистоннинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши бениҳоя зарур.

Умуман олганда, Корея Республикаси учун Ўзбекистон Республикаси жуда муҳим стратегик шерик ҳисобланади. Мамлакатларимиз бир-бирини доимо сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки томонлама товар айирбошлаш ҳамма барқарор равишда 2 миллиард АҚШ долларидан ошаёпти. Тошкент шаҳри эса Корея Республикаси ҳамда Марказий Осиё ўртасидаги боғловчи хаб ҳисобланади. Хар ҳафтада икки мамлакат пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри 11 авиакатнов бажарилаёпти. Хатто минтақанинг бошқа давлатлари аҳолиси ҳам Жанубий Кореяга Тошкент орқали учмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар давлатлараро ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг намунаси ҳисобланади. Ўйлайманки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 27 май кунини бошланган давлат таърифи мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг изчил ўсиши ҳамда чуқурлашишида янги истиқболларни очади.

**«Жаҳон» АА.**

# Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини оширишда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги" мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат Божхона ва Солиқ қўмиталари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Инсон ҳўқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ходимлари, таълим муассасаларининг ўқитувчилари, талабалар ҳамда бошқа ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Кайд этилганидек, қўнуни устуворлиги ҳамда қўнунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган суд-ҳўқуқ тизимини изчил демократлаштириш ҳамда либераллаштириш мамлакатимизни демократик янгилашнинг мўҳим йўналишидир. Ўз навбатида, аҳолининг юксак ҳўқуқий онги ва ҳўқуқий маданияти демократик ҳўқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятининг асоси ҳўсубланади. Тадбир иштирокчилари

томонидан нафақат фуқароларнинг ҳўқуқий билимлари ва ундан фойдалана олишлари, балки уларнинг ҳўқуқбузарликка қарши курашишда қатнашишлари ҳўқуқий фаоллигининг мўҳим белгиси эканлиги кўрсатиб ўтилди. Анжуманда кайд этилганидек, аҳолининг кенг қатламлари билан суд ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари, адвокатлар ва ҳўқуқшунос олимларнинг учрашувларини ташкил этиш, ҳўқуқий адабиётларнинг оммабоплигини таъминлаш фуқароларнинг ҳўқуқий фаол бўлишига кўмак беради. Конференцияда фуқароларнинг ҳўқуқий фаоллигини ошириш, ҳўқуқий онг ва маданиятини юксалтириш адолатли демократик давлат қуришининг мўҳим белгиси эканлиги таъкидланди. Тадбир якунида аҳолининг ҳўқуқий онги, маданияти ва ҳўқуқий фаоллигини оширишда суд ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самардорлигини янада оширишга ҳамда мазкур соҳадаги норматив-ҳўқуқий ҳўжатларни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. **Бош прокуратура Матбуот хизмати.**

# Анъанавийларидан фарқ қилади

Кегейли туманида тадбиркор Алатдин Байназаров саъй-ҳаракати билан кўнига 50 минг дона пишик гишт ишлаб чиқариш қувватига эга қорхона фаолияти йўлга қўйилди. Лойиҳа қиймати 280 миллион сўмлик ушбу қорхона энг илғор технологиялар билан жиҳозланган.

## ИЗЛАНИШ

— Бизда деворбоп материал тайёрлаш жараёни анъанавий усуллардан тўздан фарқ қилади, — дейди "Халқобод Инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Байназаров. — Яъни махсус технология ёрдамида лой ичида юзга келадиган говаклар пресслаш жараёнида батамом бартараф этилади. Бу гишт пишик-пўхталигини янада оширишга хизмат қилади. Айтиш жоизки, 22 нафар киши доимий иш билан таъминланган мазкур қорхонада дастлабки 500 минг дона гишт қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

**Хидоят АҲМЕДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

# Қишлоқ хўжалигига — замонавий минитехнологиялар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бундай истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришда Президентимизнинг 2006 йил 24 августдаги "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишнинг ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, аёна тусини олган мазкур кўргазма-савдо айни мўддао бўлмоқда. Ўтган йилги тадбирда юртимиз фермерлари ва ишбилармонлари умумий қиймати 145,6 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари, минитехнологиялар ва ихчам ускуналар харид қилиш бўйича жами 1180 та шартнома ҳамда битим имзолашга эришгани ана шундан далолат беради. Ташкилотларнинг айтишича, тўрт кун давом этадиган бу галли кўргазма-савдо ҳам томонлар учун самарали бўлиши кутиляпти. Чунки унинг ишида Австрия, Бельгия, Италия, Германия, Франция, Голландия, Жанубий Корея, Хитой каби дунёнинг 24 давлатидан 195 дан ортиқ компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қатнашмоқда.



— Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча йўналиш, хўсусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ривожланиб бормоқда, — дейди "Shinwoo21, Ltd" компанияси бош директори Чанг-Сон Син. — Бунга бизнинг иссиқхоналар учун жиҳозлар ишлаб чиқариш ва уни бунёд этишга ихтисослаштирилган қорхонамиз фаолияти мисол бўла олади. Мана, беш йилдирки, юртингиз деҳқон ва фермерларига ўз маҳсулотларимизни етказиб бериб, сифатли хизмат кўрсатиб келаямиз. Бу йилги

кўргазмада, айникса, кўплаб янги ҳамкорлар топиш учун қўлай бизнес муҳити яратилганидан жўда мамнўнмиз. "Ўзэкспомарказ" очик ва ёпиқ павильонларининг деярли барчасини банд этган кўргазма-савдоларда кўплаб бўлимлар ташкил қилинган. Уларда экин-тикин ҳамда боғдорчилик учун мўлжалланган барча турдаги техника ва жиҳозлар, мева-сабзавот, гўшт-сўт маҳсулотларини қайта ишлаш технологияли линиялари, қандолатчилик маҳсулотлари, ун ҳамда омихта ем ишлаб чиқариш уску-

налари, кадоқлаш воситалари, шунингдек, чорвачиликнинг барча тармоқлари учун энг сўнги ишланмалар намойиш этилмоқда. Юртимиз фермерлари улар орасидан энг мақбулини саралаб, сотиб олишлари мўмкин. Бу жараёнда тижорат банклари, лизинг компаниялари яқиндан кўмак бериб, ўз хизматларини тақдим қилаяпти. — Бизнинг фермер хўжалигимиз мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, етиштираётган маҳсулотимизни ўзимиз қайта ишлашни

йўлга қўйиш мақсадида кўргазмага ташриф бурдик, — дейди Янгийўл туманидаги "Абдумутал Абдурашул агро" фермер хўжалиги раҳбари Собир Исмоилов. — Намойиш этилаётган ускуналар билан танишиш асносида Австриянинг "Vogel" компанияси шарбат ишлаб чиқарувчи минитехнологияси бизга маъқул бўлди. У ихчам бўлса-да, соатига 200 килограмм мева-сабзавотни қайта ишлар экан. Халқаро кўргазмаларда республикамизнинг мингдан ортиқ фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этиши кутиляпти. Улар учун хорижий замонавий технологиялар тақдимоти, махсус семинарлар ўтказилмоқда. Бу эса томонлар ўртасида узоқ мўддатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига хизмат қилиши, шўбҳасиз. Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ  
олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ёғяларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ёғялари ва уларнинг лойиҳа ҳўжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов кўйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат қорхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ёғялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларини республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ёғяларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳўжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мўмкин.

**Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳўжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳўжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

**Батафсил маълумот учун тел.:** (+998 71) 238-69-07, (+998 71) 238-69-08.  
**Web-site:** www.ffpd.uz; **E-mail:** pdf.fund@gmail.com  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтохур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй,  
Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.  
**Мўлжал:** «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

**Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**  
**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**  
қўйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов савдоларини эълон қилади:  
денгиз тўлқини рангли «ИВ» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «YPX» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «PPX» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «Qorovul qo'shinlari» шевронлари, «соя» рангли

«Qorovul qo'shinlari» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «Qo'riqlash xizmati» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «Transpordagi IIB» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «Akademiyasi» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «YNOTM» шевронлари, денгиз тўлқини рангли «TOHTU» шевронлари.  
**Техник ҳўжатларни олиш бўйича соат 9.00 дан 19.00 гача қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мўмкин:**  
**(0-371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00.**  
**Факс: (0-371) 281-43-73.**  
**Манзил:** Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.  
**Талабгорлардан тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.**

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**  
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.  
«Capital realtor group» МЧЖ Фаргона филиалида 2015 йил 2 июль кўни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:  
1. Тошкент тумани СИБ томонидан Фаргона вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 20 апрелдаги 15-1508/3850-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент тумани, «Тошлоқ» ШФЙ, «Фурқат» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 863 кв.м., фойдаланиш майдони 352,35 кв.м. бўлган, 0001-0005-литерлардаги ишлаб чиқариш цехи.  
**Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.**  
II. Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Фаргона шаҳар судининг 2013 йил 11 сентябрдаги 1-660-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган:  
1. Данғара тумани, «Чинобод» ҚФЙ, Қора кўрпа қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 2387,93 кв.м., фойдаланиш майдони 1190,49 кв.м. бўлган, 0001-0008-литерлардаги 16-сонли бригада дала шйпони.  
**Бошланғич баҳоси — 108 526 136 сўм.**  
2. Данғара тумани, «Чинобод» ҚФЙ, Қора кўрпа қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 691,32 кв.м., фойдаланиш майдони 21,54 кв.м. бўлган, 0001-0007-литерлардаги ҳовли-жой.  
**Бошланғич баҳоси — 41 408 255 сўм.**  
3. Данғара тумани, «Чинобод» ҚФЙ, Қора кўрпа қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 362,74 кв.м., фойдаланиш майдони 33,41 кв.м. бўлган, 0001-0006-литерлардаги ҳовли-жой.  
**Бошланғич баҳоси — 25 303 965 сўм.**  
Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 30 июнь кўни соат 17.00 да тўхтатилади.  
2015 йил 17 июнь кўни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас

Реклама ва эълонлар

**«Universal Realtor» МЧЖ**  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.  
**Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**  
1. Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманлараро судининг 2015 йил 15 январдаги 1-268/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, «Шифокор» бозори ҳудудида жойлашган, умумий майдони 83,32 кв.м., фойдаланиш майдони 66,22 кв.м., бинога тақаб қурилган 53 кв.м. хўжжасиз қурилма, ер участкасининг умумий майдони 116 кв.м., қўшимча эғаллаб олинган қисми 25 кв.м. бўлган савдо дўкони.  
**Бошланғич баҳоси — 108 000 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2015 йил 16 июнь кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбўл кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Бюртманомалар юқориде кўрсатилган манзилда иш қўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 15 июнь кўни соат 11.00 да тўхтатилади.  
2. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2015 йил 11 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўшимча маълумот олиш манзили: «Universal Realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истикбўл кўчаси, 15-уй.  
Телефон: (0-371) 150-35-55 www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru

**ЭЛЕКТР ВА ГАЗ СУВ ИСИТКИЧЛАРИ**  
улгуржи ҳамда чакана савдо  
MARCO POLO GITS FAST EVO VELIS  
**(+998 97) 330-90-55**  
www.hometeq.uz  
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

# ҲАЯЖОНЛИ ВА УНУТИЛМАС ДАМЛАР

### «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинларининг финал босқичи ҳудудларда қизгин давом этмоқда.

Ўзбекистон ёшларига бугун дунёнинг жуда кўп давлатлари ўғил-қизлари ҳавас билан қарайди, десак, асло муболага бўлмайди. Сабаби, мустақиллик шарофати билан фарзаларимизнинг пухта билим олиши, жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етиши учун жуда катта куч ва имкониятлар сафарбар қилинмоқда. Хусусан, барпо этилаётган замонавий таълим муассасалари, бири-бирдан ажойиб спорт мажмуалари эртамик эгалари камолоти йўлида хизмат қилаётир. Бундан ташқари, истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг истеъдод ҳамда салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган турли кўрик-танловлар, фестиваллар, мусобақалар ҳам мунтазам ўтказилмоқдаки, бундай анжуманларда қатнашиш орқали ёшларимиз катта тажриба ортириб, халқаро

миқёсдаги нуфузли тadbирларда ҳеч кимдан кам эмасликларини яққол исботлашмоқда. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган, айна пайтда кўплаб давлатлар томонидан ноёб тажриба сифатида алоҳида қизқиш билан ўрганилаётган уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларининг ҳам баркамол авлодни тарбиялашга аҳамияти ниҳоятда бекиёс. Ушбу тизимнинг дастлабки бўғини — «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг бу галги финал босқичи ўзгача тарзда — ёшлик ва спорт байрами сифатида ҳудудларда ўтказилмоқда. Уларда иштирок этаётган ўғил-қизлар ҳаяжонли, унутилмас дамларни бошдан кечириб, давлатимизнинг бекиёс гамҳўрлигини яна бир қарра дилдан ҳис қилишаётир.

чи, Зарафшон шаҳри спортчи ёшлари учинчи ўринга лойик, деб топилди. Вилоят ҳокими Э. Турдимов Навоий шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — «Дамас» автомашинасини топширди. — Уч йилдан буён бадий гимнастика билан мунтазам шугулланман, — дейди Навоий шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси Сабина Худёрова. — «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинларида голиб бўлишни чин дилдан истагандим. Бугун жуда бахтиёрман. Чунки мақсадимга эришдим. Мазкур мусобақа мен учун катта спорт сари ташланган дастлабки муҳим қадам бўлиб қолади.

Тадбир қатнашчиларининг қай бири билан суҳбатлашмайлик, ана шундай фикр-мулоҳазалар, самимий дил сўзларини изор этишди. Намойиш қилинган катта концерт дастури спорт байрамига ўзгача шукх бағишлади.

### ФАХР



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинларининг финал босқичи кўтаринки рўҳда ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Оролбўйида ҳам спортчи, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаёпти. Жумладан, 2003 — 2014 йилларда ҳудудда 150 га яқин замонавий спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар зарур инвентарлар, малакали мураббийлар билан таъминланаётгани боис спорт секцияларида қатнашаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

«Умид ниҳоллари — 2015» мусобақаларининг қўни босқичларида 97 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг 17 тури бўйича ўз маҳоратини намойиш қилди. Улардан 128 нафари кучлилар сафида эътироф этилди.

— Давлатимиз раҳбарининг «Биз ҳеч кимдан кам эмасиз, кам бўлмаймиз ҳам», деган сўзлари биз, ёшларга ҳамиша кўтаринки руҳ, қўшимча куч ва ўзимизга қатъий ишонч бағишлайди, — дейди Нукус шаҳридаги 31-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулмира Абиллаева. — Шу боис ҳам доимо юксак марраларни кўзлаб, муваффақиятларга эришишга интилаёмиш. Спортнинг қўн тўпи тури бўйича кизлар жамоамиз билан голибликни кўлга киритдик. Келгусида нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз номини янада улуғлашга ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Мусобақаларда Нукус шаҳри спортчи ёшлари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ҳўжайли ҳамда Қораўзақ туманлари ўқувчиларига насиб этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Ернязов Нукус шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси —

«Дамас» автомашинасини топширди. Шунингдек, спорт ўйинларида яхши натижаларга эришган ўғил-қизлар ҳам муносиб тақдирланди.

Тадбир якунида санъат усталари, эстрада хонандлари ҳамда бадий жамоаларнинг концерт дастури намойиш этилди.



ЖИЗЗАХ

Вилоят финал босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган маросимда ёш авлоднинг буюк аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб вояга етишлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, бекиёс имкониятлар ҳақида сўз юритилди. Истиқлол фарзандлари эришаётган ёрқин натижалар алоҳида тилга олинди.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътиборнинг амалий ифодасини Жиззах вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар аниқ рақамларни келтирадиган бўлсак, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтган йилларда ҳудудда 150 га яқин спорт иншооти қурилди ва реконструкция қилинди. Уларнинг 87 фоизи қилшқ жойларда барпо этилгани диққатга сазовордир.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг виллоят босқичида Жиззах шаҳри вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга киритди. Галларол ҳамда Жиззах туманлари ёш спортчилари иккинчи ва учинчи поғоналардан жой олди. Жиззах вилояти ҳокими С. Исмоилов Жиззах шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — «Дамас» автомашинасини топширди. Ёшлик ва спорт байрами катта гала-концерт билан якунида. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги бадий дастур йиғилганларга янада кўтаринки кайфият, завқу шавқ улашди.

Байрамога безатилган виллоят марказидаги амфитеатрда ташкил қилинган «Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларининг виллоят босқичи голибларини шарафлашга бағишланган тантанали маросим ёшлар учун унутилмас онларни тўхта ётди.

Хар гал иқтидорли йигит-қизларимизнинг энг нуфузли халқаро спорт мусобақаларида бири-бирдан ажойиб ютуқлари, галабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз балан кўтарилганида, барчамиз тўлқинланиб, ҳаяжонли онларни бошдан кечирамиз. Бундай қувончли лаҳзаларнинг аҳами-



НАВОИЙ

ятини, очиги, ҳеч нарса билан қийёслаб бўлмайди. Ватанимиз шон-шухратини дунёга ёйишга хизмат қилаётган ушбу муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий самараларидир.

Мустақиллик йилларида Навоий вилоятида ҳам замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни бугунги кун талабларига мос ускуна ҳамда инвентарлар билан жиҳозлаш, шунингдек, ана шу иншоотларда таъкил этилган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаган эди. Шукрулло «Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларида ҳам муваффақият қозонди.

— Биз, ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитларни хар биримиз кўриб, қалбдан чуқур ҳис қиламиз, — дейди у. — «Кичик Олимпиада» дея эътироф этиладиган уч босқичли спорт ўйинларининг йўлга қўйилгани ҳам мана шундай гамҳўрликнинг бир кўринишидир. Мен келгусида «Баркамол авлод», Универсиада мусобақаларида ҳам қатнашиб, голибликни кўлга киритмоқчиман. Бунинг учун ҳозир-

«Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларининг виллоят финал босқичи голибларини шарафлашга бағишланган тантанали маросим Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуасида ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда таълим жараёни спорт ва жисмоний тарбия билан уйғун ҳолда олиб борилаётгани ёшларнинг ҳар томонлама етуқ инсонлар сифатида вояга етишида муҳим ўрин тутмоқда. Уч босқичли мусобақалар тизими эса эртанги чемпионлар учун парвоз майдони бўлиб хизмат қилаётир.

Айтиш жоизки, мусобақаларнинг қўни босқичларида 250 мингдан зиёд ўқувчи қатнашди. Улардан



НАМАНГАН

128 нафари виллоят финал босқичи голиби бўлди.

Наманган туманидаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шукрулло Тошболтаев бир неча йилдан буён бокс билан шугулланади. У ўтган йил охирида пойтахтимизда таъкил этилган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллаган эди. Шукрулло «Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларида ҳам муваффақият қозонди.

— Биз, ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитларни хар биримиз кўриб, қалбдан чуқур ҳис қиламиз, — дейди у. — «Кичик Олимпиада» дея эътироф этиладиган уч босқичли спорт ўйинларининг йўлга қўйилгани ҳам мана шундай гамҳўрликнинг бир кўринишидир. Мен келгусида «Баркамол авлод», Универсиада мусобақаларида ҳам қатнашиб, голибликни кўлга киритмоқчиман. Бунинг учун ҳозир-

Корши шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2015» спорт мусобақаларининг виллоят финал босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ҳам катта тантана сифатида ўтказилди.

Ўртбошимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида биригина 2014 йилда Қашқадарё вилоятида 16 та болалар спортини иншооти бунёд этилди. Ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдига «Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида кенг қўламли ишлар олиб борилаётти. Ушбу ҳужжат болаларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб қилиш борасида муҳим дастурий-амал бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, хозир Қашқадарёда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган 77,5 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шугулланаёпти. Бундан ташқари, юзлаб болалар мавжуд 35 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўзлари қизиққан спорт турлари бўйича машғулотларда қатнашаётти.

Юқунги натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида Қорши шаҳри



ҚАШҚАДАРЁ

спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Шаҳрисабз тумани вакиллари иккинчи, Ғузор туманилик спортчи ёшлар эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Вилоят ҳокими З. Рўзиев «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинларида биринчи ўринни кўлга киритган Қорши шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — «Дамас» автомашинасини топширди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Маданият хабарлари

ТАДБИР

Ўзбек Миллий академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Йилнинг энг яхши саҳна асари» республика кўрик-танловои голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, илк бор уюштирилган мазкур танловнинг ҳудудий босқичларида юз нафардан зиёд ёшлар қатнашди.

## Ёш ижодкорларга рағбат

Таъкидланганидек, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар замирида эртамик эгаларини ҳар томонлама етуқ инсон қилиб тарбиялашдек улғувор мақсад муҳассам. Шунинг учун ҳам яратилаётган қўлайлик ва зарур шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз иқтидорини намоеён қилаётган ўғил-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ган 10 та ижодий иш мавзунинг долзарблиги, госянинг миллийлиги ва бошқа шу каби мезонлар асосида баҳоланди.

Ижодий беллашув якунига кўра, Қорши санъат коллежи ўқувчилари саҳналаштирган «Ярадор куш ёлғиз учди» спектакли биринчи ўринга лойик, деб топилди.

Шунингдек, «Йилнинг энг яхши бош роль ижрочиси», «Энг яхши эркак роль ижрочиси», «Энг яхши аёл роли ижрочиси», «Энг яхши режиссёрлик иши» каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, уларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир якунида биринчи ўринга сазовор бўлган саҳна асари намойиш этилди.

Танловнинг республика босқичига тақдим қилин-

Д. АБДУРАЙМОВ.

ТАНЛОВ

Пойтахтимизда «Зарб — 2015» ёш доирачилар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирлиги ва «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган иқтидор эгалари қатнашди.

## Доира садоси чорлайди

Маълумки, баркамол авлод тарбиясида жисмоний саломатлик билан бир қаторда, маънавий камолотни юксалтириш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда эса халқимизнинг бой мероси, қадриятларимиз алоҳида ўринга эга. Жумладан, ўзбек миллий чолғуси саналган доира ва унинг ижро усулларини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш ёшларнинг ўзбек миллий халқ санъатига меҳр-мухаббатини янада оширишга ўзига хос ўрин тутди.

54 нафари голиблик учун беллашди. Икки босқичда, яъни ансамбль жамоалари ҳамда яккашон иштирокчилар чиқишидан иборат кўрик ҳаяжонли дамларга бўй бўлди.

Тадбир натижаларига кўра, «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази қوشмада тўғарақ аъзолари гуруҳ чиқишида биринчи ўринни кўлга киритди. Яккашон иштирокчилар баҳсида эса Тошкент вилоятилик Шоҳруҳбек Шомухсинов муваффақият қозонди.

Танлов якунида голиб ва совриндорлар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Камолат ШАМСИДИНОВА.

САНЪАТ

Фарғона шаҳридаги виллоят бадий ижодкорлар уюшмасида санъатшунос ва фоторассом Нодир Норматовнинг Кексаларни эъзолаш йилга бағишланган «Оқ олма, қизил олма» ҳамда фотожурналист Султонбой Деҳқоновнинг «Эҳтиром» деб номланган фотоқўзғамалари намойиш этилди.

## Боғ бағридаги кўргазма

Муаллифлар бу галги фотоқўргазма мавзуларини юртимизнинг пиру бадалат отахонларини онахонлари, халқимизнинг турмуш тарзи, миллий анъаналар ва қадриятларимиз, юртимиз манзараларига бағишлади. Мазкур лавҳалар 90 га яқин портрет, манзара, жанрли композициялардаги мазмун ҳамда сюжет замирида муҳрланган.

Шунингдек, ушбу кўргазма Кўқон тасвирий ва амалий санъат коллежида, Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидидаги боғда ҳам тақдим этилди. Таниқли ижодкорлар Избоскан туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларига маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Ғайрат ШУКУРОВ.

## ЭЪЗОЗ

Кексаларни эъзолаш йили муносабати билан Бухоро муҳандислик-технология институтида «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди.

## Уч авлод учрашуви

Тадбирга мазкур муассасада узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, айна дамда кексалик гаштини сураётган фахрийлар, профессор-ўқитувчилар тақдир қилинди.

Учрашувда меҳнат фахрийлари институтда сўнгги йилларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳамда ёшларнинг пухта таълим олиши учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишилди. Талабаларни бу имкониятлардан оқилана фойдаланишга даъват этдилар.

Тадбир якунида кексаларга эсдалик совғалари топширилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Замонавий, қулай ва шинам

Яқинда Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чеғара қўшиқлари ҳарбий хизматчилари учун янги тураржой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

### ҒАМҲЎРЛИК

Шу муносабат билан ташкил қилинган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ҳамда маҳалла фаоллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуруллий Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ихтимойий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаёпти. Жумладан, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва реконструкция қилиш, ана шу объектларда энг юксак талаблар ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қўлай ихтимойий-маиший шароитларни яратиш бўйича кўлами жиҳатидан жуда

катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда. Қашқадарё вилоятида хизмат бурчини ўтаётган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг қалити топширилгани ҳам Ватан ҳимоячиларига кўрсатилаётган бекиёс гамҳўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Кўп қаватли тураржой 48 оилага мўлжалланган.

Янги хонадонлардан бирига сержант Улўбек Рустамов ҳам оиласи билан кўчиб кирди.

— Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийларга кўрсатилаётган юксак эътибордан чексиз миннатдоримиз, — дейди у. — Уйимизнинг хоналари кенг ҳамда шинам. Унда барча қўлайлик яратилган. Бундай гамҳўрликка жавобан янада фидойилик билан хизмат қилиб, Ватанимиз тинчилиги, осмонимиз мусафоллигини сақлаш йўлида бор қуч-ғайратимизни ишга соламиз.

Санъаткорлар ижросида янграган куй-қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

Дилшод ОМОНОВ.

## ЭЪЛОН

**«Қибрай» клиник санаторийси**  
 юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сихатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайди.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сихатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қўлайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парhez таомларни уз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автobус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин. Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

**Халқ сўзи**  
 Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Ўзломлар 232-11-15.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи муҳаррир — У. Файzieва. Набатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5